



**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЙЛАРНИ
ПАРВАРИШЛАШ, ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА
НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



ТОШКЕНТ 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ОҲАНГАРОН БЎЛИМИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЙЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ,
ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Ўзбекистонда қўйларни парваришlash, озиқлантириш ва наслчилик ишлари бўйича ўқув-услубий қўлланма – Тошкент “_____” нашрети 2019 18 б.

Ушбу қўлланма Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг Оҳангарон бўлими олимлари томонидан тайёрланган бўлиб, Республикамининг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб ноқорақўл қўйларни парваришlash, озиқлантириш ва наслчилик ишларига бағишланган бўлиб, қўйларнинг насл, маҳсулдорлик хусусиятларини оширишда ресурстежамкор технологиялар мажмуасини ўз ичига олади.

В данном издании подготовленном коллективов авторов – учёных и члени НИИ Животноводства и птицеводства обхватывают комплекс ресурсозбергающие технологии направлены в овцеводстве на кормлении, содержании и племенных работ при улучшении племенных, продуктивных качеств овец с учетом Республики, который имеет специфический почвенно-климатические условия.

Қўлланма соҳа мутахассислари, аҳоли, деҳқон, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, илмий ходимлар ва олий таълим муассасалари талабаларига қўйчилик тармоғи бўйича билим ва малакага эга бўлишида хизмат қилади.

Тақризчилар:

Ў.Р.Соатов - Тошкент Давлат аграр университети Умумий зоотехния кафедраси мудири, қ.х.ф.д.

Б.Х.Жумадуллаев - Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти лойиҳа раҳбари, қ.х.ф.н

Муаллифлар: қ.х.ф.д. Рўзибоев Н.Р., Шаюсупов Б.Б., Ўралов Н.Н., Хасанова С.Ғ.

Ўқув-услубий қўлланма Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг Илмий кенгаши муҳокамасининг 2019 йил 03 июнидаги № 6 -сонли баёнида кўриб чиқилган ва чоп этишга рухсат этилган.

КИРИШ

Чорвачилик халқимизни озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Шу туфайли бу муҳим соҳани ривожлантиришга Республикамиз Президенти ва Ҳукумати катта эътибор бериб келмоқдалар.

Президентимиз томонидан 2019 йилнинг дастлабки беш ойида 3-та Қарорнинг қабул қилиниши, яъни 2019 йил 16 мартда қабул қилинган “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сонли, 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва Чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли ҳамда 2019 йил 20 майдаги “Яйлов тўғрисида”ги ЎРҚ- 538-сонли Қонуни бунга яққол мисол бўлади. Бу Қонун ва Қарорлар шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва мол бош сонларини кўпайтиришни рағбатлантиришга ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўналтирилган бўлиб, улар соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда чорвачилигимизни янада ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун барча чорвачилик йўналишларидаги институтларимизнинг, улардаги тадқиқотчи олимларимизнинг асосий вазифаси чорва молларимизнинг маҳсулдорлигини таъминлаш, уларни тўла қийматли озиклантириш, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш, юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, озуқабоп экинларнинг сермахсул нав ва дурагайлари яратишнинг илмий асосларини ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Чорвачилик соҳасида қўйчилик етакчи тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг асосий қисми шу тармоққа тўғри келади, бу эса ушбу тармоқни янада илмий асосда ривожлантиришни тақозо этади. Бунинг учун қўйларни меъёр даражада парваришлаш, тўла қийматли озиклантириш ҳамда наслчилик ишларини янада яхшилаш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.



Қўйларнинг келиб чиқиши

Қўйларнинг келиб чиқиш тарихига назар ташласак, чорва ҳайвонлари ичида энг биринчи қўлга ўргатилган жонзотлардан биридир. Қўйлар ибтидоий жамоа давридаги қўлга ўргатилган энг қадимий ҳайвонлар бўлиб, бу эрамыздан аввалги 6-8 минг йилларга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларни урчитиш ва қўйчилик фанига оид адабиётларда, қўйларнинг қўлга ўргатилишида уларни узок қариндошлари; муфлан, аркар ёки уриал, аргали ва архарлар ер шарининг турли: Олд ва Кичик Осиё, Жанубий Европа, Шимолий Африка ва Ўрта ва Марказий Осиё минтақаларида кенг тарқалган.

Кўхна тарих далилларида, шунинг айтиш мумкинки ер юзининг барча халқлари айниқса—Ўрта ва Марказий Осиё, Жанубий Европа ва Шимолий Африкада биринчилардан бўлиб қўйлардан уй ҳайвони сифатида фойдаланишган. Буни Ўзбекистондаги Сармишсой, Козоғистондаги Қизил-Қара, Олтой ўлкасидаги Яланғоч ва бошқа худудлардаги қадимда тошларга ўйилган қўйларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бутун дунёда қўйларнинг 600 га яқин зотлари мавжуд. Осиё давлатларида (Россиядан ташқари) кўпроқ дағал жунли зотлар кенг тарқалган, Африка қитъасида асосан жунсиз ва дағал жунли қўйлар, Европада-ярим майин жунли ва дағал жунли, Америкада—майин жунли ва ярим майин жунли қўйлар, Австралия қитъасида майин ва ярим майин жунли қўйлар урчитиб кўпайтирилмоқда.

Европа давлатлари кўп зотлилика хос, масалан Буюк Британияда-50 та зот, Италияда-37, Францияда-36, Югославияда-22, Болгарияда-16 қўй зотлари урчитиб кўпайтирилмоқда. Ер юзидаги аҳолининг хар 100 нафар жон бошига 30 бош қўй тўғри келар экан. Бу кўрсаткичлар Янги Зеландияда -2160 бошдан зиёд, Австралиада -1500 бошга яқин, Манголияда -1000 дан ошди, собиқ Иттифоқда- 53 бошни ташкил этади.

Ўзбекистонда барча тоифадаги хўжаликларда жами 21,3 млн бошга яқин қўй ва эчкилар мавжуд бўлиб, шундан 5,5-6,0 млн-га яқин қоракўл зоти, тахминан 3,5-4,0 млн эчкилар, 1,0 млн ҳисор зотли қўйлар бўлса, тахминан 10 млн бошни жайдари зоти ва жайдари зотининг дурагайлари ташкил этади. Бугунги кунда республикамизда қўйларнинг 3 та зот ва 1 та зот гуруҳлари урчитиб кўпайтирилмоқда. Булардан дағал жунли жайдари, қоракўл ва ҳисор зотлари ҳамда ярим майин жунли гўштдор-сержун қўйлардир.

Қўйларнинг биологик хусусиятлари

Биологик хусусиятлар- бу морфофизиологик хусусиятлари мажмуаси бўлиб, маҳсулдорлик хусусиятларини ва организмнинг ташқи муҳит реакциясига таъсирини белгилайди. Шунинг учун қўйларнинг генетик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришда озиқлантириш, асраш омиллари меъёр даражасида бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Қўйларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу хар хил шароитларга юқори даражада мослашувчанлиги ва юқори пластикликка эга бўлишидир. Қўйларнинг яхши мослашувчанлиги ва пластиклик хусусиятлари юқорилиги натижасида чўл, тоғли ва адир ва пасттекислик худудларидаги турли экологик шароитларда кўпгина зотларнинг яратилишига замин бўлди.

Кўйлар яйлов шароитига жуда яхши мослашган ҳайвондир. Дунёда ҳайвонлар озиқланадиган ўсимликларнинг 800 хил туридан, кўйлар 520 тасини, йирик шохли моллар-460, отлар-416 тур ўсимликларни истеъмол қилар экан.

Кўйлар жуда чидамли ва ҳаракатчан бўлиб узоқ масофани (кунига 50 км-гача) босиб ўтиб пасттексиклик, чўл, ярим чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги яйлов ўсимликларидан унумли фойдаланиш имкониятига эга. У нафақат физиологиясига, балки уларнинг анатомик хусусиятига ҳам боғлиқдир: уларда бош юза қисмининг мутаносиблиги, тишларининг мустаҳкам ва лабларининг кичик тезҳаракатланувчанлиги учун бўйи паст ўсадиган ўсимликларни, қуруқ поя, чўпларни истеъмол қилиш, хаттоки хосилдорлиги паст яйловларда ҳам ўзига озуқа топадиган хусусиятлари билан бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонларидан ажралиб туради.

Кўйлар нафақат яйловларнинг ҳамма туридан яхши фойдаланадилар, балки яйловларнинг сифатларига ҳам чидамлидир, улар турли хил ўсимликлар шулардан аччиқ, кучли ҳид таратадиган, тиканли ўсимликлар, кўпчилиги бегона ўсимликларни бемалол истеъмол қилиш қобилиятига эга жонивор. Кўйларнинг бу ўзига хос хусусиятлари жуда катта амалий қийматга эга, асосан қишлоқ хўжалиги экинларига яроқсиз ёки қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг бошқа турларини боқиш имконияти бўлмайдиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Кўйларни яйлов шароитида асраш усулларини қўллаш хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини янада оширади, агарда яйлов шароитлар етарли бўлса, хатто қишда яйловларда боқиб асрашни йўлга қўйиш озукани иқтисод қилинади, уларнинг маҳсулдорлиги ошади ҳамда соғлиги мустаҳкамланади.

Кўй зотларининг кўпчилиги озуқа ва суғоришларда узилишлар бўлган экстремал (ноқулай) шароитларда ўзининг танасидаги ёғни сарф қилади, озукалар яхши бўлган шароитларда ёғ танасига, думбасига, думига йиғилади бу қимматли биологик хусусиятлари кўйларни асосан қор қалин ёғган қишки яйлов даврларида ҳам оғир шароитлардан чиқиб кетишига ёрдам беради. Ёғларнинг кўпроқ думбада тўпланиши асосан думбали ва ёғли думли кўй зотларига хосдир. Бу хусусиятлар чўл ва яримчўл оғир шароитларда узоқ давом этган урчитиш натижасида пайдо бўлган. Бу ҳудудларда кўйчилик жуда ҳам экстенсив (оғир ҳолда) кўчманчи, гоҳида ярим кўчманчи шаклда бўлиб, ҳайвонлар тез-тез озуқа ва сувни ниҳоятда етишмаслиги, айниқса ёзда яйловларнинг қуриб қолиши, қишда қорнинг қалин ёғишида бошдан кечирганлар.

Кўйлар озуқа ва сувга тақчил бўлган вазиятларда улар биологик адаптация натижасида тўпланган ёғ қатлами билан тўлдириб турадилар. Намлик ва об-ҳавонинг кескин ўзгариб турадиган иқлим, сувнинг етишмаслиги, кам хосилли ўсимликлар нафақат йилнинг фаслларида, балки бир неча кунлар баъзида яйловларни қисқариши, йил давомида яйлов шароитларида асраб озиқлантириш ва ҳайвонларни 100 км ва ундан узоқ масофаларга кўчириб ҳайдаш зарурияти бўлган ҳудудларда чорвачиликни бошқа тармоқларини ривожлантиришни жуда қийинлаштиради.

Хўжалик шароитида кўйларнинг қимматли биологик хусусиятларидан бири жинсий майлнинг эрта уйғонишидир. Урғочи кўзиларни 5-6 ойлик ёшида қочириш мумкин, лекин эрта қочириш организмни ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, шунинг учун асосан тўқлиларни 1,5 яшарлигида бирламчи уруғлантирилади ва ушбу ёшлигида кўчқорлардан ҳам фойдаланишни бошлаш мумкин.

Ҳар хил ташқи муҳит шароитларида юқори мослашувчанлигига қарамадан, кўйларни кўпгина зотлари юқори намлик бино ичидаги шамол, кам хосилли яйлов, ташқи

мухитни юқори хароратида ўзларини ёмон хис қоладилар. Масалан, Романов зотли қўйлар учун ўрмонзорлардаги салқин намли об хавосида ўзини яхши хис қилса, қоракул зотли қўйлар Ўрта Осиё ва Козоғистоннинг чўл ва яримчўл шароитларида юқори қийматли маҳсулот беради. Жун типидagi меринослар куруқ пастекисликларда ўзини яхши хис қилса, Англия гўштдор қўйлар учун эса мўътадил, намли иқлим ва озуқага талабчандир. Қўйларнинг бу биологик хусусиятларини, уларни урчитиш ва кўпайтиришда албатта ҳисобга олиш керак бўлади. Қўй зотларининг хар хил хусусиятлари, уларни хар бир зот учун экологик ҳудудларни танлаш имконини беради, чунки улар маҳаллий шароитларда урчитиб кўпайтиришга тўлиқ жавоб беради.

Қўйларнинг хазм қилиш аъзолари жуда яхши ривожланган бўлиб, дағал ҳамда ширали озуқаларни ва уларда сақланувчи тўйимли моддаларни бемалол ўзлаштира олади. Қўйларнинг ошқозони мураккаб кўп бўлимли (камерали) бўлиб, уларнинг ширдони оддий бактериялар ёрдамида клетчатка ва бошқа тўйимли озуқаларни парчалайди. Озуқа ошқозондан ичакларга ўтади, ичаклар қўй танасининг узунлигидан 25-30 марта узун, бу қорамолларда атиги 20 марта, отларда 15 марта, чўчқаларда эса 12 баробарни ташкил этади. Қўйчилик бошқа соҳаларга қараганда ерлардан унумли фойдаланишда, озуқа ва биноларда асрашда қулай жонзот бўлганлиги учун бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонларидан ажралиб туради.

Республикамизда урчитилаётган ноқоракўл қўй зотлари

Республикамизда ноқоракўл қўй зотларидан жайдари, хисор зотлари ва гўштдор-сержун зот гуруҳлари урчитиб кўпайтирилмоқда. Ушбу зотларнинг хар бири ўзининг муҳим биологик ва хўжалик фойдали белгиларига эга бўлиб, бу қўй зотлари ташқи кўриниши, ирсияти ва маҳсулдорлик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Жайдари зотли қўйлар халқ селекциясида ўзимизда яратилган зот бўлиб, Ўзбекистоннинг маҳаллий думбали қўйлари деб ҳам номланади. Республикамининг тоғли ва тоғолди ҳудудларида урчитиб кўпайтиришга мослашган, бош сони жиҳатидан



3 ойлик, 35 кг жайдари зотли урғочи қўзи

етакчи (10 млнга яқин) зотлардан бири бўлган соф жайдари зотли ҳамда бошқа (хисор, сараджи, эдилбай) қўй зотлар билан чатиштирилиб, уларнинг дурагайлари кенг тарқалган.

Совлиқларнинг ўртача тирик вазни 55-60 кг, сермахсуллари 70-80 кг, жун қирқими 2,0-2,5 кг, етук ёшдаги қўчқорларники 80-90 кг, махсулдор қўчқорлар 100-130 кг, жун қирқими эса 2,8-3,0 кг ташкил этади. Қўчқорларнинг яғри баландлиги ўртача 76,3 см, гавдасининг қия узунлиги 80,8 см, кўкрак айланаси 96,2 см ни ташкил этади. Бу қўйлар йирик танага эга бўлиб, айниқса оёғининг калталиги ва гавдасининг чўзинчоқ, бўйни калта кўтарилган, гавдаси чуқур, яғрини ва бели кенг, думбаси эса кенг кўтарилганлиги билан тавсифланадилар. Жайдари зотли қўйлар гўшт махсулдорлигининг юқорилиги ва кўзисининг тез етилувчанлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда жайдари зотининг генетик имкониятларидан фойдаланиб, ҳисор зотли қўчқорлар билан чатиштиришдан олинган авлодларда муттасил танлаш ва саралаш ишларини олиб бориб, сермахсул дурагайларини яратиш, зот ичида янги типларини ва кейинчалик янги зотларни яратиш чорвачилик фани олдида турган асосий вазибалардандир. .

Ўзбекистоннинг гўштдор-сержун (ҳалқ тилида-малиш) қўйларнинг зот гуруҳларини яратиш ишлари ўтган асрнинг иккинчи ярмида яъни 1953-1954 йиллардан бошланган бўлиб, Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари И.А.Тапильский, Н.Ф.Кияткин, Ю.Р.Қурбоновлар томонидан олиб борилган. Ишнинг амалий қисмида Паркент туманидан илғор чўпонлардан А.Алматов, С.Аметов, М.Рахимхўжаев, Р.Муждабоев ва Ш.Усмоновлар, Оҳангарон туманидан М.Холтўраев, А.Ахмедов, У.М.Умаров, А.Тожибоевлар яқиндан ёрдам берганлар.

Ярим майин жунли гўштдор-сержун қўйларнинг зот гуруҳларини яратиш ишларининг биринчи босқичида жайдари зотли совлиқлар меринос қўчқорлар билан, олинган биринчи дурагайларни эса линкольн қўчқорлари билан чатиштирилган. Турли генотиплардан ташкил топган дурагайлар-ўз ичида урчитилиб кўпайтирилди. Бунда жун қоплами оқ, бир хил (12-15 см) узунликдаги ярим майин кроссбред жунли совлиқлардан туғилган эркак кўзиларни келгусида насл учун танланган.



2 яшар, 47 кг гўштдор-сержун урғочи қўй

Мақсадга мувофиқ яратилган дурагайлар дастлабки 3 хил зотнинг белгиларини ўзида акс эттириб, туси оқ, қалин ярим майин жунли, тумшуклари ялтироқ, жун билан қопланган, бошида ўсиб чиққан жуни кўзигача тушиб туради, кулоқлари ўртача катталиқда. Бўйни йўғон, нисбатан калта, териси бурмаланиб турмайди. Кўкраги чуқур, кенг ва олди томонга бир оз чиққан, қовурғалари думалоқсимон, яғрини кенг, курақлари

орқа умуртқа чизиғи билан бир текис, сонлари серэт, оёқлари ўртача узунликда бакуват, туёқлари қаттиқ ейилмайди, гавда суяклари қўпол эмас вазмин, мустахам конституцияга эга.

Шундай қилиб, шарқнинг маҳаллий думбали (манбаларда-ўзбек думбали қўй зоти деб ҳам номланган) жайдари қўйлари, қўйи ғарбнинг майин жунли (шимолий Кавказ), Англиянинг гўштдор линкольн зотлари генотипларига эга бир-биридан фарқ қилувчи учта ирсиятликни бирлаштириш натижасида юқори ўсувчанликка, бирмунча йирик танага ва хаётий кучга эга ярим майин жунли қўйларнинг Оҳангарон ва Паркент типлари ва кейинчалик эса гўштдор-сержун қўйларнинг зот гуруҳлари яратилди.

Бу зот гуруҳларининг ўзига хос муҳим хўжалик фойдали белгиларидан тез етилувчанлиги, гавдасининг йириклиги совуққа ниҳоятда чидамлилиги, иштахасини бир хил юқорилиги ва катта хажмдаги озуқани хазм қилиш хусусиятига эга эканлиги ҳамда озуқани маҳсулот билан юқори даражада қоплашидир.

Туғилганда қўчқорчаларнинг тирик вазни 4,93 кг, тўқлилар 4,10 кг, 4-4,5 ойлигида қўчқорчалар-30,5, тўқлилар-28,4 кг ни, етук ёшдаги қўчқорлар-96,0 кг, совлиқлар эса 60-65 кг-ни ташкил этган.

Ҳисор зотли қўйлар. халқ селекциясида Тожикистонда яратилган зот бўлиб, асосан Тожикистонда ва Республикаимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кенг тарқалган зотдир. Бугунги кунда бошқа вилоятларда ҳисор зоти соф ҳолда ҳамда жайдари зоти билан чатиштирилган дурагайларини учратиш мумкин. Бу қўй зотлари тоғ ва тоғолди ҳудудларида урчитиб қўпайтиришга мослашган бўлиб, йил давомида яйловда парваришlash мумкин ва яйлов ўтини жуда яхши ўзлаштира олади ва тез ўсувчанлиги билан ажралиб турадиган жонвор.



3 ойлик, 36 кг ҳисор зотли қўчқорча

Ҳисор зотли қўйлар тирик вазни ва гавдасининг йириклиги жиҳатидан дунёда етакчи зотлардан бири бўлиб, етук ёшдаги қўчқорларнинг тирик вазни 130-140 кг, баъзан-170-188 кг, она қўйлар-80-85 кг, сермаҳсуллари-90-95 кг, думбаси-18-20 кг, сўқимга боқилганлари -30 кг ва ундан ортиқ, 1,5 яшар қўчқорлар-96 кг, 1,5 яшар тўқлилар эса 49 кг-ни тош босади.

Кўчқорларининг яғрин баландлиги ўртача 87 см, совлиқларда-79 см, тананинг қия узунлиги шунга мос равишда 85 ва 75 см ни, гавда чуқурлиги 35,5-34 см ни ташкил этади. Улар мустаҳкам тана тузилишига, суяклари мустаҳкам ва яхши ривожланган, мускулатураси ажойиб ривожланган ва қурук оёқларга эга. Бу сифатлари узокдан-узок масофаларга яйловдан-яйловга кўчиб ўсимликларини ўзлаштиришда қўл келади. Яғрини, орқа ва бели кенг тўғри ва кўкраги чуқур қўйлардир. Думбаси катта энига 30-40 см, узунлиги 40-50 см-га этади.

Кўйчиликда ишлаб чиқариш жараёнлари.

1. Бонитировка тадбирлари.
2. Қўйларни қочириш даври.
3. Қишлоқ даври.
4. Тўл олиш (туғдириш) даври.
5. Жун қирқиш даври.
6. Ёзги яйловларга чиқиш даври
7. Қўзиларни оналаридан ажратиш (отбивка) даври.

Қўйларни озиқлантириш асослари

Қўйларни озиқлантириш рационали ва озуқага бўлган талаби асосида парваришлаш, улардан олинадиган гўшт ва жун маҳсулотини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради. Ёз даврида қўйлар асосан яйловда боқилади ва бу давр йилнинг март ойдан бошланиб то ноябрь ойигача давом этади вауларнинг бир йиллик озуқа истеъмолли айнан шу даврларга тўғри келади. Қиш даври эса декабрь, январь ва февраль ойларига тўғри келиб, бу даврда қўйларни қўйхоналарда яъни оғилхона-лагерда боқиш тавсия этилади. Бунинг учун аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ учун озуқа захирасига эга бўлиш керак бўлади, акс ҳолда кўпгина йўқотишларга сабабчи бўлади..

Ёз даврида озиқлантириш ва яйловдан фойдаланишни ташкил этиш

Ёзда қўйларни тоғ зонасига ҳайдаб боқиш, яъни уларни жазирама иссиқ таъсиридан сақлаш учун тўла имконият мавжуд. Тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги яйловларнинг ўсимликлари асосан эфемерлардан, яъни баҳорги ипсимон қиёқ ўтлардан иборат.

Қўйлар учун яйловдан фойдаланишни ташкил этиш учун 1 гектар яйлов ери учун қанча бош сони тўғри келишини, фойдаланиш давридаги яйловнинг кўк массаси ҳосилдорлигини, қўйларнинг кўк массани ейилувчанлик даражасини, яйлов ўти микдорини (кг), 1 кунда 1 бош қўйнинг қанча яйлов ўти ейишини билиш керак бўлади.

Қўйлар учун қанча гектар яйлов ери керак бўлиши учун (яйлов ўти кўк массаси ҳосилдорлиги 20 центнер) бир ой давомида яйловга бўлган талабни аниқлаш керак бўлади. Яйловдан фойдаланиш даражаси 60%.

Мазкур яйловнинг 1 гектар кўк массасининг 20 центнерли ва 60%-ли ейилувчанлигидаги ҳосилдорлиги 12 ц ($20 \times 60 : 100$) ташкил этади. Бир бош қўй учун меъёр бўйича қунига 6 кг дан яйлов ўти талаб этилади, натижада 1000 бош қўйлар учун қунига 6000 кг ўт ва бир ойда эса 186 000 кг яйлов ўти истеъмол қиладилар. Шундай қилиб, 40 кунда 1000 бош қўйлар 240000 кг яъни 240 тонна яйлов ўти истеъмол қилади, бу 200 гектар яйловга тўғри келади. Фойдаланиладиган яйловлар ўз ҳолатига келиши учун 40 кун керак

бўлишини ҳисобга олсак 1000 бош қўй учун 400 гектар яйлов ери талаб этилади. Яйлов чорвачилигида йилнинг ҳар хил келишига қараб, 15 % эҳтиёт захира ҳисобидан (йил курғоқчил келиши, ёзда куннинг иссиқ жазирама даврларида яйлов ўтлари қовжираб қуриши ҳисобига) қўшимча яна 60 гектар яйлов ери керак бўлади

Шундай қилиб, қиш мавсумидан ташқари ёз мавсумида 1000 бош қўйлар учун жами 460 гектар яйлов ери керак бўлади.

Қиш даврида озиклантириш

Қўйлар қандай зотга мансуб бўлишидан қатъий назар қишда уларни қўшимча равишда озиклантириш талаб қилинади, айниқса қўзилатиш мавсумида бўғоз ва янги тукқан қўйларни алоҳида озиклантириб, асраш муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қўйлар йил бўйи яйловда боқилиб, улар қўшимча равишда озиклантирилмаса, маҳсулдорлиги пасаяди: уларнинг вазни, қўзилари нимжон бўлиб туғилади, шунингдек қўйлардан қирқиб олинadиган жун миқдори анча камаяди. Қиш даврида айниқса совлиқларни қўзилатиш мавсумида бўғоз қўйларга туғишидан бир ой олдин, тукқандан кейин эса икки ой давомида алоҳида парваришни талаб этади.

Қишнинг қорли-қировли даврида қўйларни эрталаб концентрат озуқалар билан бир бош ҳисобига ўртача 0,3 кг кечқурун эса пичанлар билан 1,2 кг ва табиий ўтлар пичанидан билан 1,1 кг, яъни 1,15-1,20 озуқа бирлигида озиклантириш яхши натижа берди.

Агарда хўжаликда жами 1000 бош қўй бўлса уни қишловдан беталофат олиб чиқиш учун озуқа экин майдонидан ўртача 10-12 гектар сувли ер ёки 40-42 гектар лалми ер керак бўлади.

1 шартли бош молга бир йилда талаб этиладиган озуқа ер майдони - яйлов еридан 7,7 гектар, лалми ердан 0,7 гектар ёки сувли ердан 0,2 гектар (масалан: 1000 бош қўй учун 462 гектар яйлов ери, 42 гектар лалми ёки 12 гектар сувли ер) керак бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида яйловда боқилган қўйлар ёз мавсумининг иссиқ кунларида яйловлар билан етарлича таъминланганда озик танқислигини сезмайди, қишнинг қировли кунларида эса қўшимча озиклантириш орқали қўйлар тўла қийматли озиклантирилганда, эмизикли совлиқлар ориқламайди, қўзичоқлар онасидан ажратилганда уларнинг тирик вазни 30-36 килограммга етади. Бу эса келгусида сермахсул сурувларни яратиш, зотларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қўзилатиш мавсуми

Қўйчиликда қишловни муваффақиятли ўтказиш ҳар бир чорвадорнинг долзарб вазифаларидан бири бўлса, қўзилатиш мавсуми эса жуда катта маъсулият талаб қиладиган ишдир, у айниқса қишнинг қорли-қировли ҳамда эрта баҳорнинг шамолли-ёмғирли намгарчилик даврларига тўғри келади.

Қўзилатиш (тўл) мавсуми- аҳоли хонадони бўлсин ёки у фермерми, халқ тилида айтадиган бўлсак **“Ғалвирни сувдан кўтарди”**, яъни йил давомида ишларнинг натижасини белгиладиган давр деб аталиб, келажакда сурувларнинг тақдирини яъни сурувдаги қўйларнинг маҳсулдорлик, наслдорлик хусусиятларини ўзида акс эттиради ва агарда натижаси яхши бўлса, кўпроқ соф фойда олиниб, юқори самарадорликка эришади. Шунинг учун аҳоли хонадони ва фермер хўжаликлари қўзилатиш мавсумида ишни қандай ва қай тарзда ташкил этишига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш шароитига қараб қўзилатиш мавсуми икки хил бўлади: биринчиси-бу қўйларни қишда- эрта (январь-февраль) туғдириш, иккинчиси- баҳорда (март-апрел) туғдириш.

Қишда (январь-февралда) туғдириш- қўйчиликда бош сонини кўпайтиришни таъминловчи ва уларнинг махсулдорлигини оширувчи илғор усуллардан бири ҳисобланади. Қишда қўзилатиш учун она қўйлар **августь–сентябрь ойларида урчитилади** ва улар бу даврда яйлов ўсимликлари тўйимлилиги юқори бўлиб, яхши даражада семизликка эга бўлади. Бу эса пуштдорлик хусусиятларини яхшилаб, қисир қолишини олдини олиб, эгиз қўзилар туғишлар сонини ортишига шароит яратади.

Бу даврда қўзилатишнинг ижобий томонлари билан бирга, салбий томонлари ҳам бор, яъни қўшимча харажатлар – бўғоз ва янги тукқан совлиқлар учун омухта емлар, сифатли пичан, туғдириш учун иссиқ бинолар ҳамда қўшимча ишчи кучи ва бошқа харажатлар талаб қилинади. Агарда ушбу юқорида кўрсатилган шароитлардан бирининг етарли даражада ёки умуман бўлмаслиги сурувдаги янги тукқан она қўй ва айниқса қўзиларнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб келади.

Баҳорда (март-апрелда) туғдириш- бу даврда яйловларнинг кўк ўтга бурканган даврига тўғри келиб, қўйларни йилнинг бу даврида иссиқ қўйхоналарда асраш зарурати бўлмайди. Баҳорда қўзилатиш учун она қўйлар **октябрь-ноябрь ойларида урчитилади**. Совлиқ ва қўзиларни яйлов шароитида асраб, қўшимча озиклантиришсиз яйлов шароитида боқилиб, қўзилар учун керакли миқдорда онасининг сутига тўйиб эмади, уларнинг ўсиши ва ривожланиши меъёрда бўлиб, юқори даражада семизликка эга бўлади. Бу усул қўзилатиш мавсумини қўшимча харажатларсиз ўтказишда самарали ҳисобланади. Лекин бу даврда қўзилатишнинг ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам бор. Яйлов шароитида қўзилатишда кечаси хаво харорати бирданига пасайиб, салқин бўлиши натижасида янги туғилган қўзилар шамоллаб, касалланиб чиқим бўлиши мумкин, ёки қўзилар 1,5-2,0 ойлигида яйлов ўтини истеъмол қила бошлайди. Бу даврда яйлов ўсимликлари дағаллашади ва қуриб қолади, натижада баҳорда туғилган қўзилар баҳор ва эрта ёзнинг кўк яйлов ўтини яхши ўзлаштира олмайди, шунинг учун қишда қўзилаган қўзиларга нисбатан ўсиши ва ривожланиши нисбатан паст бўлади. Бу қўзиларни гўшт учун сўйишда ҳамда келажакда қўзиларни парваришлаб, сурувларни қайта тўлдиришни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Кўп йиллик илмий ва амалий тажрибалардан келиб чиқиб, шуни тавсия қиламизки, совлиқларни қўзилатиш **февраль ойидан бошлаб март ойининг ўрталарида** тугатиш энг мақбул давр ҳисобланади. Бу даврни **кеч қишқи ва эрта баҳорги туғдириш даври** деса ҳам бўлади, бунда **қочириш мавсумини сентябрь ва октябрь** ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу даврда она қўйларнинг пуштдорлик хусусиятлари 20-25 % га ортиб, улардан ишлаб чиқаришга яроқли соғлом қўзилар туғилади.



Ҳисор ва жайдари зотлари генотипига эга 3 ойлик қўзилар (ҳар бир бош қўзининг тирик вазни ўртача 35-40 кг дан)

Қўзилатиш мавсумида ҳар бир совлиққа алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Бўғоз қўиларни туғишига 1-3 кун қолганда уларни елини қатталашади, жинсий аъзолари қизариб чўзилади, сағриси осилади. Туғишдан олдин она қўй безовталанди, қорин қисмини ялайди, тез-тез ётиб туради, бемалол жой излайди, агарда бўғоз совлиқни озиклантириш ва асраш шароитлари тўғри бажарилган бўлса, туғиш жараёни яхши ўтади. Жинсий аъзода йўлдоши кўришиб хомила чиққунча бўлган вақт 30-40 минут, биринчи туғиш қўиларда бу 50 минут бўлса ўз вақтида тукқан ҳисобланади, агарда юқорида кўрсатилган вақтдан 10-15 минут ўтиб кетса, туғиш натижасиз бўлиб бундай ҳолларда она қўйга ёрдам кўрсатиш лозим. Она қўй тукқандан 1,5 соат ўтгандан кейин йўлдоши тушади, агарда 5-6 соатдан ўтиб кетса, ветеринария врачини ёрдами керак бўлади. Тукқанан кейин она қўй елин қисмидаги жунлар тозаланади, жинсий аъзолари иссиқ сув билан ювилади ва 2-3 соатдан кейин озгина (1-1,5 л) илиқ сув билан суғорилади. Соғлом қўзи туғилгандан 15-20 минут ўтгандан кейин онасини елинини хидлаб топади ва эмади, бундай пайтларда уларни стрессга учратмаслик яъни безовта қилмаслик тавсия этилади.

450 бош она қўй учун 900 метр квадратли қўйхона керак бўлиб, у 30 та катакчаларга бўлинади ҳар бирида 15 бошдан қўй сақланади, катакларнинг таги қалин тўшама билан тўшалиши лозим. Бўғоз қўилар туғишига 2 -3 кун қолганда қўйхона атрофида боқиш, агар тукқанлари бўлса шу заҳоти қўйхона ичига киритиш, туғиши гумон бўлган қўиларни кечаси қўйхона ичидаги катакларда сақлаш керак бўлади, бунда ҳар бир она қўй учун 1,5-2,0 м/кв жой бўлиши лозим.

Қишда ва эрта баҳорда туғишда қўйхоналарга алоҳида эътибор қилиш талаб этиладики, бунда елвизакдан, намликдан сақлаш ва молхоналарни ёруғлигига эътибор қаратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бўғоз қўиларни катакларга жойлаштиришда айниқса, биринчи туғум она қўиларни алоҳида катакчаларда сақлаш, қўзилар туғилгандан 15-20 кундан кейин, бошқа умумий янги тукқан она қўилар бўлимига ўтказиш, улар 100 бошдан совлиқлар қўзилари билан гуруҳ қилиниб, сақмонларга беркитилаб алоҳида парваришlash тавсия этилади.

Туғиш мавсумида бўғоз ва янги тукқан она қўйларни озиклантириш ишларини катъий режа асосида олиб бориш керак бўлади. Уларни яйловда боқиб, эрталаб ва кечқурун қўшимча 1,5-2,0 кг сифатли беда ёки табиий ўтлар пичани, 300 -400 грамм омухта емлар ва минерал озуқа, тузлар билан озиклантириш тавсия этилади.

Янги тукқан қўзиларга ҳар бир килограмм қўшимча вазн олиши учун ўртача 5 кг она сути сарф қилинади, 2,0-2,5 ойлигида эса кунлик ўртача 250-300 грамм семириши учун кунига 1,2-1,5 литр она сутини эмиши керак бўлади. Лактация даврининг ўрталарига бориб она сути аста – секинлик билан пасайиб боради, қўзиларнинг эса тўйимли озуқага бўлган талаби ошиб бораверади. Шунинг учун қўзиларни 15-20 кунлигидан бошлаб концентрат, пичан ва ширали озуқаларга ўргатилади, қўзилар учун энг яхши омухта озуқалардан – сули, арпа; ширали озуқалардан- майдаланган илдизмевалилар ҳисобланади, сифатли беда пичани билан хохлаганича озиклантириш тавсия этилади.

Шундай қилиб, қўзилатиш мавсумини муваффақиятли яқунлаб, юқори насл қийматга эга авлодлар олиб, қўйчилик соҳасини ривожланириш, халқимизни озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қўйчиликда наслчилик ишлари

Наслчилик иши- бу ҳисоб-китоб дегани, яъни у фермерми ёки қишлоқ хўжалик корхонасими, давлат ташкилотими агарда бирламчи зоотехния ҳисоботлари юритилмас экан наслчилик иши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Чорвачиликда зоотехния ҳисоб-китобисиз ҳеч нарса бўлмайди, шунинг учун зоотехниклар чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларининг технологлари сифатида ишни тўғри олиб бориши керак бўлади.

Институтнинг Оҳангарон бўлими олимлари томонидан илк бор Давлат тилида ишлаб чиқилган (институтнинг 28.06.2017 йил Илмий кенгаши муҳокамасидаги №3-сонли баённомаси) насли қўчқор-№1, насли она қўй-№2 варақалари, она қўйларни сунъий уруғлантириш журнали-№3 шакл, қўзиларнинг туғилиши ва ўсишини ҳисобга олиш журнали-№4 шакл, бонитировка натижаларини ҳисобга олиш журнали-№7 шакл ва насли қўчқор ва қўй гувоҳномалари чорвачилик йўналишидаги мутахассислар ва фермерлар учун жуда муҳим ҳисобланиб, бугунги кунда Республикамизнинг айрим хўжаликларига соҳа мутахассислари фойдаланиб келмоқдалар.

Бонитировка тадбирлари - сурувдаги ҳар бир бош қўчқор, она қўй ёки тўқлилар келиб чиқиши, шахсий маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва авлодларининг сифати бўйича баҳоланади, олган балларига кўра классларга ажратилади, талабга жавоб бермайдиганлари брак қилиб сурувдан чиқарилади.

Қўй зотларининг пуштдорлиги 100-150%, айрим қўй зотлари 250-300 % ни ташкил этади, юқори тез етилувчанлик, юқори пуштдорлик билан биргаликда соҳага сарф қилинган маблағни тезда қоплаш имкониятларини беради.

Қўйларнинг пуштдорлик хусусиятларидан бири уларнинг куйкиши жинсий майл даврий бўлиб, асосан куз даврида (сентябрь-ноябрь) номоён бўлади. Бошқа зотларни ҳам йилнинг барча фаслларида хўжалик-иқтисодий шароитига кўра йилнинг исталган даврларида қочириш имконияти мавжуд; масалан 2 йилга 3 марта, баъзи совлиқларни бир-йилда икки марта туғдириб, авлод олиш мумкин.

Она қўйларни қочириш даври – жуфтлаш режаси ишлаб чиқилади ва шунга кўра қочириш ишлари олиб борилади. Бошқа хўжаликлардан ёки ўзида етиштирилган қўчқорлар танланади. Танланган қўчқорлар 1,5 ёшдан 3,5 ёшгача бўлиши мақсадга мувофиқ, бу ёшларда қўчқорнинг уруғи ҳаракатчан бўлади. Мавсумда ҳар 1 бош насли қўчқорга 35-40 бош она қўй тўғри келиши тавсия этилади, шундагина қочириш учун танланган қўчқор озиб кетмайди, чарчамайди. Қочиришнинг дастлабки 4-5 кунларида сурувга ҳамма қўчқорларни қўйиб юбориш ярамайди, масалан 600 бошли отарларга 15 бош насли қўчқор талаб этилса, дастлаб шуларнинг 5 бошини қўйиб сурувдаги қўйларнинг жинсий майлини уйғотиш 4-5 кундан кейин эса, ҳаммасини қочиришга қўйиш, кечаси қўчқорларни ажратиб, алоҳида (қўчли озуқалар ва тавуқ тухуми билан) озиқлантириш тавсия этилади. Шунда қўчқорларнинг оталантириш даражаси юқори бўлиб, қисир қолишнинг олди олинади.

Янги туғилган қўзиларни ҳисобга олиш. Қўзиларнинг қулоғига сирға тақишдан 4-5 ҳафта олдин, уларни вақтинча ҳисобга олинади, яъни қизил бўёқ билан онаси ва боласининг қорин қисмидан номерланади. Номерлашда агарда она қўй битта туққан бўлса, чоп томондан, иккита эгиз туққан бўлса ўнг томондан она қўйга бир сони ёзилади худди шундай қўзисига ҳам бир сони ёзиб қўйилади ва ҳақозо, бир ойдан кейин эса қулоғи сирғаланади. Қўйларни туғилиши ва ўсишини қайд этиш журналига насли қўчқорнинг инвентар номери, ёши, класс, қочирган санаси ёзиб қўйилган бўлиши керак. Журналга ҳар куни туғишлар санаси, туққан қўйлар инвентар номерлари, қўзиларнинг тирик ва ўлик туғилганлари, ранги, жинси, туғилганда, сутдан ажратилганда, 6 ойлик ва 12 ойлик ёшида тирик вазни ва бошқа сифат кўрсаткичлари қайд этиб борилади.



Биринчи туғиш она қўйларнинг экстерьер хусусиятларини ўрганиш ва туғилган қўзиларни ҳисобга олиш

Ўсиш энергияси-тез етилувчанлик хусусиятларидан бири бўлиб, бу қўйларда кунига 130-700 граммга етади. Қўйларнинг юқори даражадаги тез етишувчанлиги, уларнинг ёшлигида ишлаб чиқаришга сифатли маҳсулот олиш имкониятларини беради. Шунинг учун қўй гўштини, терисини қўйлардан 6-8 ойлик ёшида, поярка жунини 5 ойда, қорақўл терини эса 1-3 кунлик ёшидан бошлаб олиш мумкин бўлиб, ёшлик даврдан маҳсулот бериш қобилияти билан бошқа ҳайвон турларидан фарқланади.

Қўйлар 10-12 ва ундан кўп йил умр кўриши мумкин, лекин уларни 6-8 ёшлигида брак қилишга тўғри келади, бу даврга келиб тиш системаси тезда кучсизланиб, тишлар тўкила бошлайди, бу эса қўйнинг яйлов ва бошқа озуқаларни истеъмол қилишни қийинлашувига олиб келади.

Қўйларда пода бўлиб юриш инстинкти яхши ривожланган, шунга боғлиқ равишда гуруҳлаб сурувларда сақланади, улар ҳуркак жонивор бўлганлиги учун тез-тез тутиб кўздан кечириш, безовта қилиш мақбул эмас.

Саноат технологиялари шароитларида маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзига хос характерли жихатларидан бири, кўпроқ бош сонларни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хайвонларнинг чидамлилиги асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Қўйларни фермерларда, йирик комплексларда сақлаш учун соғлигининг яроқли, маҳсулдорлик хусусиятларининг юқори, конституциясининг мустаҳкам, касалликларга чидамли бўлишига эришиш муҳимдир.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг бош технологи сифатида зоотехникларнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири, биринчидан қўйчиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш, бунинг учун қишлоқ даври учун озуқа захираларини яратиш, иккинчидан технологик жараёнларни қўйларнинг биологик талабларига яқинлаштириш, учинчидан мақсадли йўналтирилган танлаш усуллари билан ҳозирги замон шароитларида фойдаланишга мос келадиган қўй зотларини яратиш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Қўйларнинг келиб чиқиш тарихи.....	5
Қўйларнинг биологик хусусиятлари.....	5
Республикамизда урчитилаётган ноқоракўл қўй зотлари	7
Қўйларни озиклантириш асослари.....	10
Қўзилатиш мавсуми.....	11
Қўйчиликда наслчилик ишлари.....	14

